

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

762 Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
28 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2329-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 мартдаги ПҚ–2834-сон «Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2012 йил 1 февралдаги 2-ю, 7-сон қарори (рўйхат рақами 2329, 2012 йил 21 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири в. б.**

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 19 июль,
155-мх-сон

Молия вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 19 июль,
105-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирлиги ва Молия
вазирлигининг 2017 йил 19 июлдаги
155-мх, 105-сон қарорига
ИЛОВА

**Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар
(уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан
фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. 11-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«11. Тўлов суммаси Давлат бюджети, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қошидаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ва Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Илмий-инновацион ривожлантириш жамғармаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланган нормативлар бўйича тақсимланади.»

2. Қуйидаги мазмундаги 12¹-банд билан тўлдирилсин:

«12¹. Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Илмий-инновацион ривожлантириш жамғармасига тўловдан келиб тушган маблағлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июндаги 350-сон «Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Илмий-инновацион ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қароридан белгиланган йўналишлар бўйича қатъий фойдаланади.»

30 (790)-сон

— 425 —

762-763-моддалар

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

2017 йил 19 июль